

# ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ СЕКТОР ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами



Давронов И.О.	Факторы повышения эффективности деятельности гостиницы	187
Фармонов Э.А.	Особенности эффективного развития гостиничного бизнеса	189
Шодиев А.	Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари	191
Халилов Б.Б.	Уровень развития туризма в Узбекистане	193
Исомов Б.С. Самиева А.	Туризмни режалаштиришнинг асосий босқичлари	196
Agipova M. S.	O'zbekiston Respublikasidagi erkin iqtisodiy zonalar istiqbollari va muammolari	199
Тажибаев М.Б., Умиров Ж.	Турмахсулот хаётий циклининг асосий белгилари	203
Умиров Ж.	Современное положение гостиничного хозяйства на рынке услуг	206
Тажибаев М.Б.	Туризмни шаклланиш хусусиятлари	207
Нарзуллаева Г.С.	Инновацияларнинг жамият ривожланишига таъсири	209
Мухамеджанова М.Б.	Основные задачи туристической отрасли Узбекистана	211
Norkulova D.Z. Xushvaqtoy D. Qilichova O.Z.	Aholining turistik bilimlarini oshirishning ahamiyati va yo'llari	213
Xamidova Z. X., Narzullayeva G.S.	O'zbekistonda turizm faoliyati rivojlanish muammolari va istiqbollari	216
Абдиев А. Ч. Нормуродов Ф.	Туристик фирма ичидаги режалаштиришнинг хусусиятлари	218
Таирова М.М., Аминова Н.	Самостоятельная поездка в контексте туристической логистики	220
Сайёра Х. Р.	Қишлоқ жўжалиги ва саноат тармоқларида туризм соҳасида тadbirkorларнинг бошқарув қарорларини ривожлантиришнинг аҳамияти	221
Jabborova Z. A.	O'zbekiston turizmida innovatsion texnologiyalar rivoji	223
Ziyavitdinov H. Rakhimova S.	Perspectives of pilgrimage (ziyosat) tourism in Uzbekistan	225
Курбонова М.А., Бозоров А.Р.	Мамлакат миллий туризмни ривожлантириш муоммалари ва истиқболлари	227
Қ.Т.Тўраев, Б.Навруз-зода	Туризм турларининг классификацияси ва диний туризмнинг ундаги ўрни	230
Г.Хидирова	Бухоро вилоятида диний туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	236
Ashurova M.X.	O'zbekistonda mehmonxona xo'jaligida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni samaradorligini oshirishning asosiy yo'llari	238
Алибеков Ш. А.	Туризм соҳаси хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда рақобатбардор кадрлар тайёрлашнинг педагогик-психологик омиллари	241
Қосимов Ж.	Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари	244
Турғунова Ш. Ж. Қосимова М.Қ.	Туризм соҳасида тиббий хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш масалалари	246
Раимова М.Дж.	Халқаро туризмни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	248

Дедажано  
Каримжан  
Дедажано  
Эргашева  
Раджабо

Турдиб  
Ибраги  
Турдие

Альм  
Пирна  
Жўра

Хам

Ход

Му

М

Х

Р

Г

Г

мамлакатдан ташқаридаги одатий мухитни яратиш учун шу каби турист фаолиятлар амалга оширилади. "Одатий мухит мавжуд қилиш концепцияси" бўйича мутахассислар орасида ўзаро бахслар келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Бу нарса, яъни инсонни у турист деб ҳисобланиши учун одатий ташриф буйирадиган ўёки бу жойдан қанчалик узоқликдаги масофага олиб боришлиги лозим; айнан мана шу нарса мутахассислар орасида бахсларга сабаб бўлади.

Таъкидлаш керакки, дин ҳам туризм ҳам бир хил маданий меросга эга. Шу сабабли у маданий мерос, дин, маданият ва туризм ўртасидаги энг яқин алоқаларни давом эттириш одамийликни ва рухиятни ривожлантиришни мақсад қилган.

Диний туризм туристларда сабр-тоқат, бағрикенглик ва ҳаётни кенгроқ англашга ҳамда дуёқараш ва ахлоқий ҳисларни шакиллантиради.

### Адабиётлар

1. А. И. Зырянов Теоретические аспекты географии туризма монография Пермь 2013 г. С10.
2. Бабкин "Специальные виды туризма учебное пособие" Ростов-на-Дону 2008. с-4,6.
3. А. Ю. Александрова Международный туризм Москва 2002. С-7,8.
4. С.Р. Ердавлетов География туризм; история, теория, методы, практика Алматы 2002. С-13,14.
5. Лукачева Л.И., Кварталнов В.А., Исаев В.А. и др. Менеджмент туризма. Основы менеджмента, учебник. -М.: Финансы и статистика, 2006,352 с.
6. Рўзиев С.С. "Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари" Иқтисод фанлари илмий даражаси диссертацияси. Т.: -2009. – 21-22 б.
7. Source: Simone-charteris, Maria Teresa & Boyd, W (2011), "The potential in Northern Ireland to Promote Politico-Religious Tourism: An industry Perspective", "Jornal of Hospitality Marketing & Management", pp. 461.
8. 2014 Published by Elsevier Ltd. This is an open access article under the CC BY-NC-ND license Religious tourism as a sociocultural phenomenon of the present "The unique sense today is a universal value tomorrow. This is the way religions are created and values are made."
9. [https://en.m.wikipedia.org/wiki/Religious\\_tourism](https://en.m.wikipedia.org/wiki/Religious_tourism).
10. М.В. Boltaboev, I.S.Tuxliyev, B.SH.Safarov, S.A.Abduxamedov "Turizm nazariya va alaliyot" darslik Barkamol fayz media T.: 2018 yil.

### БУХОРО ВИЛОЯТИДА ДИНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Г.Хидирова и.ф.ф.д PhD, Бух

Туризм соҳасини ҳалқаро даражада ривожлантиришнинг хилма хил ёндошувларнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий ва мамлакатимиз иқтисодиётлари томонларидан илмий асарларда ёритилган. Вилоятимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш учун, рақобат афзаликларга эга туризм турларини биринчи ўринга кўтарилиб, улар маълум даражада лоқомоти вазифасини бажаришлари лозим бўлади. Ана шундай туризм турлар қаторида вилоятимизнинг салоҳиятига эга бўлган диний туризмни келтириш лозим. Чунки вилоятда бой салоҳиятга асосланадиган туризм соҳаси кескин ривожлантириш учун бирча имкониятлар мавжуд.

Диний туризм, туризмнинг бошқа турларини ривожлантириш учун етакчи бўлиб хизмат қилади. Туризм ва диний туризмни ўзаро бир бири билан чамбарчас боғлиқлиги авваламбор улар олдига қўйиладиган асосий мақсад ва устувор йўналишларнинг уйғунлиги билан исботлаш мумкин. (1-расм)

Расмда келтирилган туризм тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлар бир бирига жуда ўхшаб кетади, лекин уларнинг ҳар бирини бевосита манфаатлари борлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Асосий йўналишларнинг борлигини авваламбор туристик ресурслардан (табiiй тарихий, этнографик, экологик, тиббиёт, гастрономик) оқилона фойдаланиш, рақобатбардошликни ошириш, янги иш жойларини ташкил қилиш ва малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолининг талабларини қондирган ҳолда уларнинг турмуш сифатини янада юксалтиришда имконият яратади.

Диний туризмнинг икки асосий шакли мавжуд:

- Зиёратчи
- Саёҳатчи

Зиёратчи-саёҳатга эҳтиёж фақат маълум динга эътиқод қилиш натижасида пайдо бўлади. Зиёрат-диндорларнинг эътиқот қиладиган динига тааллуқли бўлган муқаддас жойларга бориб ибодат ва сажда қилишга интилишларидир.

Туризм	Диний туризм
<b>тарихий</b>	
Археологик масканлар, тарихий обидалар, ва бошқалар	Мачитлар, қудуқлар ва бошқалар
<b>ЭКОЛОГИК</b>	
Фауна- флора, чўл, гидро ва бошқа турлари билан танишиш	Чўл зонасидаги зиёратгоҳлар
<b>этнографик</b>	
Урф-одат, қадриятлар, маросимлар, ашула, рақс, либослар ва бошқалар	Диний маросимлар, урф-одатлар, либослар ва бошқалар
<b>тиббиёт</b>	
Санатория, тиббиёт марказлари, доривор ўсимликлар ва бошқалар	Иллохий тиббиёт, доривор ўсимликлар(исирик), халқ табobati ва бошқалар
<b>гастрономик</b>	
Миллий таомлар, чанқоқ босди ичимликларни татиб кўриш	Ҳалол таомлар
<b>зиёрат</b>	
Зиёратгоҳлар, қабристонлар	Зиёратгоҳлар, қабристонлар

**1-расм. Бухоро вилоятида туризм тармоқларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Саёҳатчи-билим ошириш мақсадида диний объектларга ташриф буюрувчи шахсдир. Билим олиш мақсадидаги диний туризм-сайёҳларнинг диний марказлардаги диний объектларга ташриф буюришларини, фаолият кўрсатаётган сиғиниш ёдгорликларини кўришларини музейга киришларини, намоз, зикр ва бошқа диний маросимларга қатнашишни кўзда тутати. Туризмнинг бу тури диний мақсаддаги билим олиш туризм билан чамбарчас боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Бухоро вилояти диний туризмни ривожлантиришда иккала шакли бўйича салоҳият етарли. Чунки Бухоро вилоятида 300дан ортиқ авлиё пирларнинг қўниб топган зиёратгоҳлар мавжуд.

2019 йилнинг 21-23 феврал кунлари Бухорода биринчи Халқаро “Зиёрат туризми” I Форум бўлиб ўтди. Бу анжуманда Бухоро шаҳри Ислом маданияти маркази деб тан олинди. Мазкур анжуман Бухоронинг зиёрат туризм салоҳиятини мусулмон дунёсига кўз-кўз қилди. Келгусида Зиёрат туризми индустриясини янада ривожлантириш зарурлигини қайд қилди. Анжуманда билдирилган ғоялар келажакда қўйидагиларни инобатга олишни тақазо қилади.

- Меҳмонхоналарни диний урф-одат, ибодатларга мос ҳолда такомиллаштириш лозим.

- Меҳмонхонада диний ибодатларни бажариш учун инфратузилмаларни талаб даражасида барпо этиш мақсадга мувофиқ.

- Зиёрат туризмга тегишли ҳадисларни, панд-насихатларни реклама қилиш.

Хулоса ўрнида қайд қилиш лозимки Бухорода зиёрат туризмни имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишларни давом эттириш ва уни амалиётга қўллаш, бу кунинг долзарб вазифалардандир.

#### Адабиётлар

1. Хидирова Г.Р. Минтақавий туризм бозорини ривожлантириш йўллари. Монография: Тошкент. Наврўз, 2018-140б.

2. Наврузова Г.Н., Ибрагимов Н.С. Религиозный туризм. БухГУ, Бухара.2006.

3. Навруз-Зода Б.Н., Навруз-Зода З.Б. “Имом- Ал- Бухорий ватани” диний дестинацияси маркетинги. “Туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари” халқаро илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами.(5 дек. 2008 й.).Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти,2008.74-76 б.

### O'ZBEKISTONDA MEHMONXONA XO'JALIGIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING ASOSIY YO'LLARI

BuxDU, Ashurova Muborak Xayrulloevna

Istiqloq tufayli bozor munosabatlariga yo'l tutgan mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishning asosiy bo'g'inlaridan biri bu xususiy tadbirkorlikdir. Mamlakatimiz hududlari ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi o'rtasidagi tafovutlarga barham berishning eng samarali usullaridan biri joylarda, ayniqsa turizm sohasida, ayniqsa, mehmonxona xizmatlarida kichik va xususiy tadbirkorlik korxonalarini rivojlantirish hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasida bozor qonuniyati tamoyillarining shakllanib, qaror topib borishi borasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishini ta'minlovchi huquqiy asos mustahkamklanishi va shu bilan shug'ullanuvchi har qanday shaxsning erkin faoliyat yuritishi uchun zarur shart – sharoit va imkoniyat yaratilgan. Ayniqsa, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi ishlab chiqarish korxonalari rivojlanishining uzluksizligini ta'minlash va uni iqtisodiy samaradorligini oshirib borish bir qator omillarga bog'liq ekanligini chuqur tahlil qilinib, bu borada alohida ahamiyatli ekanligi ta'kidlangan. Bularga quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarining zarur bo'lgan resurslar bilan ta'minlanishi;

- moliyaviy resurslarning hosil qilinganligi;